Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил
**23 ноябрь**
ШАНБА
**№ 94** (12626)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Хусусий тадбиркорлик

## МАҚСАД – ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

***Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ фаолиятини кенгайтириб бораётган, маҳсулотлари нафақат ўзимизда, балки чет элларда ҳам харидоргир ёки импорт ўрнини босаётган корхоналар кундан-кунга ортиб бормоқда. Натижада соғлом рақобат юзага келиб, маҳсулотлар сифати янада яхшиланмоқда.***

Зангиота туманидаги "Дента фил плюс" хусусий корхонаси шундай рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариб, эл назарига тушди. У 2004 йилдан бошлаб тиш пастаси ва турли-туман доривор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйди. Дориларни замонавий услубда, талабга мос ҳолда тайёрлаш учун корхонада барча имкониятлар мавжуд. Замонавий ускуналар 90 турда дори воситалари ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

**Сайёра РИХСИЕВА.**

**СУРАТЛАРДА:** корхона ҳаётидан лавҳалар.
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**







## ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов 2013 йил 25-26 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Олий даражадаги учрашувлар ва музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи, уни янада ривожлантириш истиқболлари, муҳим минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилади.

Ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, турли соҳаларга оид икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатларни имзолаш мўлжалланмоқда.

*Тошкент вилояти ҳокимининг қарори*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ XXX СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

**"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ**

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XXX сессияси 2013 йил 23 ноябрь куни соат 15.00 да вилоят ҳокимлиги мажлислар залида чақирилсин.

**Вилоят ҳокими А. УСМОНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2013 йил 21 ноябрь.

Халқаро ҳамкорлик

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАОЛИЯТИМДАН ХУРСАНДМАН

"JICA" Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан оммавий ахброт воситалари бир гуруҳ вакиллари учун пресс-тур ташкил этилди. Тадбирдан кўзланган мақсад – кенг жамоатчиликни ваколатхонанинг Ўзбекистондаги дастурлари ва кўнгиллиларнинг жойлардаги фаолиятлари билан таништириш.

"JICA" кўнгиллилар юбориш" дастури доирасида 2000 йилдан мамлакатимизга 215 га яқин мутахассис юборилди. Улар орасида соғлиқни сақлаш, маданият, таълим, молия, бизнес ҳамда бошқа соҳаларда фаолият юритган ёш мутахассис ва тажрибали экспертлар бор.

Дастлаб пресс-тур иштирокчилари Тошкент давлат молия институтида бўлишди. Онодзука Тошики ўтган йилдан бери молиявий ҳисоботнинг халқаро меъёрлари курси бўйича машғулотларни ташкил этиб келмоқда. Шуниси қувонарлики, вилоятимизнинг бир гуруҳ талабалари мазкур курсни муваффақиятли тугатиб, махсус сертификатга эга бўлишди. Ҳисоб ва аудит факультети 3-курс талабаси чирчиқлик Акмарал Дербисова ҳам улардан бири.

– Курс тингловчиси бўлганимдан хурсандман, – деди у. – Барча машғулотлар инглиз тилида ўтилди. Шу соҳа бўйича кўпгина билим ва кўникмаларга эга бўлдим.

(Давоми 2-бетда).

Ҳуқуқий сабоқ

**Вилоят прокуратураси 2013 йилнинг 10 ойи давомида вилоят хўжалик судида кўрилган ишлар юзасидан фермер хўжаликлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор прокурор назорати ҳужжатларини қўллади. Жумладан, вилоят хўжалик судининг шу йил 10 майдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар Янгийўл туман ҳокимлигининг жавобгар "Yangiyo'l Tamannozi sadosi" фермер хўжалиги билан 2009 йил 30 апрелда тузилган узоқ муддатли ер ижара шартномасини бекор қилиш ҳақидаги даъво талаби қаноатлантирилган.**

## ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ПРОКУРАТУРА ҲИМОЯСИДА



Жавобгар фермер хўжалиги ҳисобидан суд ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига 795.900 сўм давлат божи, Янгийўл туман ҳокимлиги фойдасига 5.000 сўм почта харажатлари ундирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Янгийўл туман ҳокимининг тегишли қарори билан "Yangiyo'l Tamannozi sadosi" фермер хўжалигига узумчилик йўналишида фаолият юритиш учун 22,6 гектар ер ажратилган ва туман ҳокимлиги билан фермер хўжалиги ўртасида юқоридаги шартнома тузилган. Фермер хўжалиги ажратилган ерлардан мақсадсиз фойдаланганi учун туман ҳокимлиги "Yangiyo'l Tamannozi sadosi" фермер хўжалиги билан тузилган шартномани бекор қилиш ҳақида судга даъво аризаси киритган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишни тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорида белгиланганки, бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса, ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин. Бунда ўттиз кунлик муддат таклиф олинган пайтдан, агар таклиф олинган муддат номаълум бўлса, иккинчи тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифни олиши учун зарур бўлган вақт ўтган пайтдан бошлаб ҳисобланиши қайд қилинган.

(Давоми 2-бетда).

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

## ЭНГ УЛУҒ МАҚОМ СОҲИБИ – ИНСОН

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон манфаатларини ҳимоя қилувчи юксак таянч, асосий мезон, яъни фуқароларнинг бош ҳимоячиси. Унда инсон энг улуғ мақомга эга. Конституциямизнинг энг катта ва муҳим қисми "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари" деб номланган иккинчи бўлимдир. Бўлимнинг X боби айнан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатларига (43-46-моддалар) бағишланган. Конституциянинг 43-моддасида "Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқларини ва эркинликларини таъминлайди" деб белгиланган.**

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини белгилашда "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" ғояларининг конституциявий нормаларида ўз ифодасини топишига ҳаракат қилинган. Шу халқаро ҳужжат ғояларига асосан фуқароларнинг кўплаб ҳуқуқлари ҳеч ким томонидан (давлат, монарх, президент ва ҳоказолар) берилмайди. Ҳуқуқ ва эркинликларнинг кўпига фуқаролар табиий равишда эга бўлади. Давлатнинг инсонпарварлик, демократик вазифаси эса, қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга ошишини, рўёбга чиқишини таъминлашдир. Бу – ҳуқуқий давлатнинг муҳим вазифаси.

Бош Қомуснинг 2-моддасида давлат органларининг фуқаролар олдидаги масъулияти белгилаб берилгани ҳам Конституция фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилганидан далолатдир. Давлат ушбу вазифани ўзининг турли органларига юклайди. Хусусан, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 2-, 4- ва 24-моддаларида прокуратура органларига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш вазифалари юкланган.

Конституциянинг 44-моддасида "Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади" деб белгиланган. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишлари ҳуқуқий давлатга хос хусусиятдир.

(Давоми 2-бетда).

Бугуннинг гапи

## ЗАРАРИ ФОЙДАНИ ЙЎҚҚА ЧИҚАРМАСИН

**Бугун атроф-муҳит муҳофазаси, хусусан, хатарли экологик вазият жаҳон миқёсида глобал муаммолардан бирига айланиб улгурди. Хусусан, саноат ишлаб чиқариши ва автомобиллар атмосферага чиқараётган заҳарли газни камайтириш йўлида жаҳон жамоатчилиги бир қатор лойиҳаларга қўл урмоқда.**




Жумладан, республикамизда автомобиллар зарарсиз, муқобил ёқилғи турларига ўтказилмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва автомобилларга газ қуйиш станциялари шахобчаларини ривожлантириш ҳамда автотранспорт воситаларини суюлтирилган ва сиқилган газга босқичма-босқич ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Ўздавнефтгазинспекцияси" тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйгани натижаси ўлароқ, 650 мингдан зиёд автомобиль сиқилган ва суюлтирилган газда ишлашга ўтказилди. Ёқилғининг бу тури ҳам атроф-муҳитга зарарсиз, ҳам автомобиль эгасининг ҳамёнига анча фойда бўлмоқда.

(Давоми 3-бетда).

2014 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда.
«Тошкент ҳақиқати» газетаси индекси – 205.

Яна тўловлар ҳақида

## НОҚОНУНИЙ УЛАНИШ – КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Газетамизнинг ҳар бир сонида коммунал тўловларни ўз вақтида тўлаш ва хизматлардан ноқонуний фойдаланмаслик ҳақида ҳар қанча бонг урмайлик, жойларда қонун-қоидани четлаб ўтаётганларнинг учраётгани ачинарлидир.

Бекобод тумани "Ғалаба" кўчасидаги "Ҳолиқова Ш" хусусий корхонасига қарашли дўконда электр тармоққа рухсатсиз уланиб олингани аниқланди. Қоидабузарларга нисбатан далолатнома тузилиб, 2 миллион сўм қайта ҳисоб-китоб қилинди. Туман буюм бозори ҳудудидаги тадбиркор Абдуқаюм Сафаровга қарашли дўконда худди шундай ҳолат аниқланиб, тегишли чора кўрилди.

Ғазалкент шаҳридаги "Граф" хусусий корхонаси биносида электр тармоққа тўғридан-тўғри уланиб, пайвандлаш ишлари бажарилгани учун 215 минг сўм қайта ҳисоб-китоб қилинди. "Alimax Impex" уй-жой қурилиш корхонасининг ҳам электр тармоққа рухсатсиз уланганi қимматга тушди. Мазкур қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан ҳужжатлар тўпланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

**Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Чирчиқ ҳарбий суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма бир йиллиги муносабати билан ташкил этилган "Конституция – инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати" мавзусидаги илмий-амалий анжуманда шу ҳақда сўз борди.**

## ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳарбий суд ва прокуратура, судлар, ички ишлар, ҳарбий қисм, маҳаллий ҳокимлик ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Чирчиқ ҳарбий суди раиси вазифасини бажарувчиси Б. Бобоқулов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятни демократлаштириш ҳамда модернизация қилиш, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан баён этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси жамиятимизни ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Унда илгари сурилган янги қонунчилик ташаббусларининг ҳаётга татбиқ этилиши Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва демократияни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Анжуманда "Конституция – шахсни камолотга етказишнинг ижтимоий-фалсафий асосидир", "Ўзбекистон Республикаси Конституциясида – инсон ҳуқуқлари ҳимояси устувор вазифа" мавзуларида маърузалар тингланди.

Конституциямизни пухта ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, бу борада ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича галдаги вазифалар белгилаб олинди.

**ЎзА.**

Фуқаролик жамияти сари

**Вилоятимизнинг барча ҳудудларида шарқнинг намуна мактаби ҳисобланмиш маҳалла раислари (оқсоқоллари) ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайлови қизғин давом этяпти. Сайловларнинг юқори савияда ўтишида маҳалла институтини янада ривожлантириш, тўла ошкораликка амал қилиш, муқобилликни таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни муҳим роль ўйнамоқда. 5 боб, 33 моддадан иборат қонун лойиҳасида маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги алоҳида таъкидланган.**

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Қонун аввалгисидан анча фарқ қилади. Жумладан, унинг олдинги таҳририда шаҳарча, қишлоқ, овул ҳамда маҳаллалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳудудлари сифатида кўрсатилган. Янгисида эса бу масалалар янада аниқлаштирилиб, айнан қайси маҳаллалар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудий бирликлари эканлиги лўнда баён қилинган. Фуқаролар йиғини органлари сифатида фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда тафтиш комиссияси ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, маҳалла аҳолисининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, никоҳ тўйларини ўтказишга кўмаклашиш, ҳамда вақтинча ишсиз, ёки бюджет ташкилотларида ишлайдиган икки ёшгача фарзанди бор оналарга ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нафақа тайинлаш каби вазифаларга ҳам урғу берилган.

Қонуннинг яна бир аҳамиятли жиҳати, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиши билан боғлиқлигида. Чунончи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказлари ташкил этиши мумкин. Бунга кўра тегишли давлат органлари маслаҳат марказларининг эмин-эркин ишлашларига кўмаклашади. Маслаҳат марказлари вазифаларини бажаришда фуқаролар йиғинларига белгиланган тартибда бинолар бериши, таълим муассасалари фуқаролар йиғини сўровига биноан маслаҳат марказларига қисқа муддатли курсларни ўтказиш учун ўқув жараёнларидан бўш бўлган ўқув хоналаридан фойдаланиши, давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар вакиллари, шунингдек, фуқаролар маслаҳат марказларининг ишида қатнашиши, хусусан, қисқа муддатли курсларда таълим, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатлар бериши мумкинлиги белгиланди.

**Шерзод САИДОВ,**
**Эркин АЙТМУРОДОВ,**
**вилоят адлия бошқармаси масъул ходимлари.**

# НОМЗОД КЎП, ЎРИН БИТТА

**Чирчиқ шаҳридаги "Гулзор" маҳалла аҳли кўп йиллардан буён фуқаролар йиғинига раислик қилаётган Якия Ҳасановни учинчи муддатга оқсоқол қилиб сайлади. Бунга ажабланишнинг ҳожати йўқ. Зеро, маҳалла шундай жамоатчилик институтики, фуқаролар йиғинининг фаолияти, жумладан раиснинг саъй-ҳаракатлари ҳам, шунингдек барча хонадонлардаги вазият ва аҳвол-тирикчилик ҳам бутун маҳалла аҳлининг кўз олдида, диққат эътиборида.**

Гулзорликлар амалдаги раиснинг лавозимида қолдиришни истаган эканлар, демак унинг ишидан қаноат ҳосил қилаяптилар.

"Гулзор" – шаҳардаги тинч, осойишта, номига яраша обод маҳаллалардан бири. Оқсоқол, маслаҳатчилар ва улар бошчилигидаги доимий комиссиялар фаол ҳаракат қилиб, зиммаларидаги вазифаларни мукаммал адо этаётганлари боис маҳаллада барқарорлик ҳукмрон. Барча тадбирлар кўпчиликнинг иштирокида, тартибли ўтади.

Маҳалла оқсоқоли ва маслаҳатчиларнинг навбатдаги сайлови ҳам аввалдан пухта тайёргарлик кўрилиб, барчанинг фаоллигида ўтди.

– Сайловда овоз бериш ёшига етган 2263 аҳоли номидан йиғилишда қатнашувчи 90 вакилдан 84 нафари иштирок этди, – деди ишчи гуруҳ раҳбари Тўрабой Обидов. – Раисликка эса уч номзод – ички ишлар соҳасида ишлаб, пенсияга чиққан Ўринбой Мухторов, тадбиркор сифатида танилган Ҳайитмат Нурматов ва амалдаги оқсоқол Якия Ҳасанов номзодлари рўйхатга олинган эди. 84 вакилнинг 78 нафари ишлаб турган раис номзодини ёқлаб овоз берди. Кўриниб турибдики, элим, юртим деб елиб-югуриб ишлайдиган раҳбар халқ назаридан қолмайди.

Бўка туманидаги "Дўстлик" маҳалласидаги сайлов бошқачароқ руҳда ўтди. Дастлаб раисликка 4 кишининг номзоди рўйхатга олинган эди. Бироқ, уларнинг жамлама ҳужжатлари сайлов қонун-қоидалари асосида кўриб чиқилганда, икки номзодга тегишли маълумотларда айрим нуқсон ва камчиликлар борлиги боис улар рўйхатдан чиқарилди.

– Оқсоқолликка номзодларнинг бири – Аброр Жўраев тадбиркор, иккинчиси – Равшан Турсунбоев ҳайдовчи эди, – деди ишчи гуруҳ раҳбари Николай Пак. – Маҳалла аҳли тадбиркор Аброр Жўраевни маъқул кўриб, 34 вакилдан 27 нафари унга овоз берди.

**Азизбек ТОШТЕМИРОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.**






Халқаро ҳамкорлик

# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАОЛИЯТИМДАН ХУРСАНДМАН

Агентликнинг кўнгилли ходими Ияма Таро ўтган йил сентябрдан бери Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ўқув жараёнига инновацион ахборот ва педагогик технологияларни татбиқ этиш билан шуғулланувчи тармоқ муҳандиси бўлиб ишлаяпти.

– Ўзбекистонликларда ўзаро ҳурмат-эҳтиром ва олижаноблик юқори даражада, – дейди у. – Шунинг учунми, бу ерда ишлаш ва яшаш мен учун завқли. Халқларимиз ўртасида ўхшашликлар шунчалик кўпки, фарқни деярли сезмадим. Қўшнига илиниб таом олиб чиқсангиз, у ҳеч қачон идишингизни бўш қайтармайди. Японияда ҳам шундай. Ўзбекистонлик ёшлар япон тенгдошларидек, фақат мобиль телефон, интернет билан ипсиз боғланиб қолишмаган. Японияда кун бўйи вақтини интернетда ўтказадиган ёшлар талайгина. Менимча, бундай ёшлар Ўзбекистонда кам ёки умуман йўқ. Балки шунинг учун улар соғлом, қувватга тўла ва ҳаётдан хурсанд кўринадилар.

Ҳозир институтнинг 39 та кафедраси ва 10 дан зиёд шаҳардаги кўплаб шифохона ҳамда клиникаларни марказлашган тармоққа улаш, бунинг учун ахборот технологиялари бўйича мутахассис зарур бўлиб турган эди. Ахборот телекоммуникация лойиҳаларини ишлаб чиқишда япониялик мутахассиснинг хизмати катта бўляпти. Йил охиригача яна 10 га яқин кафедра ягона тармоққа уланади.

Пресс-тур иштирокчилари Фарғона вилояти Қува туманидаги "Гулистон" қишлоқ врачлик пунктида бўлишди. ҚВПнинг 20 ходими 5 мингдан зиёд қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатяпти. Бу ерда япониялик ҳамшира Акико Ямагучи 6 ойдан бери соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тўғри овқатланиш, семиришнинг олдини олиш бўйича фаолият юритмоқда. Бош шифокор Ҳабибулло Ўринбоев унинг ишидан мамнун.

– Бу ердаги аҳолининг 25-30 фоизи семизликдан азият чекар экан, – деди Акико Ямагучи. – Туғиш ёшидаги аёллар ва болалар орасида камқонлик ҳам йўқ эмас. Уларга соғлиқларига бефарқ бўлмасликни, соғлом турмуш тарзига амал қилишни ўргатяпман. "JICA" ташкилоти қишлоқ шифокорлик пунктига электрон тарози тақдим этди.

Кимура Асука Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига физиодаволаш бўйича ташкилотнинг кўнгилли ходими сифатида 2 йил муддатга келган.

– Марказимиз Фарғона вилоятидаги 15 та туман ва 4 та шаҳар шифохонаси учун услубий бирлашмага айланган, – деди марказ бош шифокори Ҳусан Мамажонов. – 700 ходим аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатади. Йилига 300 га яқин ходимнинг малакаси оширилади. Айниқса, "JICA" ташкилоти билан ҳамкорлигимиз сабаб янги даволаш усулларини қўллашни ўрганяпмиз. Турли грантларни ютиб олишда ҳам кўнгиллиларнинг ҳиссаси катта.

– Ўзбекистонга биринчи марта келишим, – деди Юка Тамахаши. – Бу ерда мени шунчалик илиқ ва самимий кутиб олишдики, ўзимни худди уйимдагидек ҳис қила бошладим. Ростини айтсам, яна кўп йиллар Ўзбекистонда қолишни истардим.

Япониянинг ёш ва мустақил давлатларга ёрдам кўрсатишга беғараз ёндошувидан оммавий ахборот воситалари вакиллари хурсанд бўлишди.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Тошкент – Фарғона – Тошкент.

(Давоми. Боши 1-бетда).

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

# ЭНГ УЛУҒ МАҚОМ СОҲИБИ – ИНСОН

Мамлакат фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари асосини ташкил этувчи фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари Конституциянинг еттинчи бобида мустаҳкамланган бўлиб, улар халқаро ҳуқуқнинг барча ҳужжатлари талабларига мос келади. Шахсни ҳимоя қилиш, шунингдек унинг ҳаётини ижтимоий хавфли тажовуздан муҳофаза этиш ҳар бир демократик давлатнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари ичида энг улуғи ва муқаддаси унинг яшаш ҳуқуқидир. Конституциямизнинг 24-моддасида кўрсатилганидек, "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир".

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 3-моддасида "Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир" деб, "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида"ги халқаро пактнинг 6-моддасида эса, "яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонунлар билан муҳофаза этилади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қила олмайди" деб белгиланган. Шундан келиб чиқиб, республикамиз Конституцияси инсоннинг яшаш ҳуқуқини узвий ва ажралмас деб эълон қилади ҳамда кафолатлайди.

Қонунийликни таъминлаш, турли мулк шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга ва у Конституцияда мустаҳкамланган. Асосий қонунимизнинг 111-моддасига мувофиқ, мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхона, муассаса, ташкилот, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилиши белгиланган.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни бартараф этиш, бошқача айтганда, соҳани тартибга солувчи қонунчиликни либераллаштиришга қаратилган ислоҳотлар туфайли қабул қилинган меъёрлар ва уларнинг судлар томонидан қўлланилаётгани яхши самара бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланганидек, тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларининг қўлланилиши фақат суд томонидан амалга оширилмоқда. Бу билан турли назорат идоралари тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашувининг олди олинмоқда.

Кўриниб турибдики, мамлакатимиз Конституцияси ва унинг асосида яратилган миллий қонунчилик тизими шу заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг фаровон ҳаёт кечириши учун зарур барча омилларга йўл очиб берувчи мезон бўлиб хизмат қилмоқда. Бевосита шу мезонга таяниб иш кўраётган прокуратура органлари ходимлари эса уларни амалда тўғри ва аниқ қўллаш билан бирга, мазмун-моҳиятини фуқаролар, тадбиркорлар, хўжалик юритувчи субъектлар вакилларига етказиш, яъни жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ҳам доимий эътибор қаратмоқдалар.

Бош Қомусимизда мустаҳкамланган тамойиллар юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёни ва мамлакатимиз тараққиётининг ҳуқуқий пойдевори, давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсати, тараққиётимизнинг стратегик йўналиши, фуқаролар эркинлиги ва маънавий қадриятларимиз асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

**Бобур ЛУТФУЛЛАЕВ,**
**Бош прокуратура қошидаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш Департаменти вилоят бошқармаси бошлиғи.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Соғлом она – соғлом бола

# ДАВОЛАГАНДАН КЎРА, ОЛДИНИ ОЛГАН ЯХШИ

**Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш, самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастурининг мазмун-моҳияти ҳам, Юртбошимиз таъкидлаганидек, аввало оналар саломатлигини муҳофаза қилиш, қолаверса, болаларда учрайдиган касалликларнинг олдини олиш, уларга қарши курашишдан иборат. Ҳасанбой қишлоғида туғиш ёшидаги 2819 аёл, 1 ёшгача бўлган 230 ва 14 ёшгача 2688 бола яшайди.**

Дастлаб аҳоли, хусусан аёллар ва болалар 100 фоиз тиббий кўрикдан ўтказилди. Аниқланган касалликлар бўйича "Д" ҳисоб варақаси асосида соғломлаштириш чоралари кўрилди. Бунда энг аввал ижтимоий ёрдамга муҳтож, боқувчисини йўқотган ҳамда вояга етмаганларга тиббий ёрдам кўрсатилди, бепул дори-дармонлар билан таъминланди.

– Ҳар бир тиббиёт ходими учун касалликнинг олдини олиш асосий қоида бўлиши керак, – дейди ҚВПнинг умумий амалиёт шифокори, олий тоифали врач Феруза Аҳмедова. – Ҳозирги кунда болаларда кўп учраётган шамоллашнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳар бир она, асосан ёш оналарга алоҳида тушунтириляпти. Мутахассислар иштирокида суҳбатлар уюштириляпти. Бунда болани мавсумга мос кийинтириш, овқатланиш қоидаларига амал қилиш ҳақида зарур маслаҳатлар бериб бориляпти. Аслида ҳомиладорликни яхши ўтказган оналарнинг болалари соғлом бўлади, касалликка кам чалинади. Бу эса ҳозирги кунда ёш оналарга ҳам, қайноналарга ҳам янгилик эмас.

**Саида РАҲМОНОВА.**

# ДИЁРА УЧУН МУНОСИБ КАСБ

**Мамлакатимизда аҳолининг бандлик даражасини ошириш, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Вилоятимизда ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилаётир.

– Жорий йилнинг ўтган даврида туман ва шаҳар ҳокимликлари, прокуратура ҳамда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ҳамкорлигида саксонга яқин меҳнат ярмаркаси ўтказилди, – дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари С. Бобоқулов. – Уларда уч мингдан зиёд корхона, ташкилот ва муассаса ўзининг мавжуд бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркаларида қатнашган кўплаб ёшлар ва аёллар ишга жойлашган бўлса, бир қисми касб-ҳунар ўрганиш учун ўқув курсларига йўлланма олди.

– Туманимизда ўтказилган меҳнат ярмаркасида ўзимга муносиб иш топдим, – дейди Юқори чирчиқлик Диёра Эргашева. – "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси туман филиалида иш бошлайдиган бўлдим. Бу мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида биз, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар самарасидир.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Ҳуқуқий сабоқ

# ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ПРОКУРАТУРА ҲИМОЯСИДА

Бироқ, Янгийўл туман ҳокимлиги жавобгар "Yangiyo'l Tamannozi sadosi" фермер хўжалиги билан тузилган шартномани бекор қилиш тўғрисида жавобгарга 2013 йилнинг 25 апрель куни талабнома юбориб, 29 апрель куни судга даъво аризаси киритиб, низони судгача бартараф қилиш тартибига риоя қилмаган.

Бундан ташқари, даъво аризасида "Yangiyo'l Tamannozi sadosi" фермер хўжалиги узумзорларни ўзбошимчалик билан бузиб ташлагани қайд қилинган бўлсада, суд жараёнида фермер хўжалигининг туман ҳокимлигига мурожаати асосида туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи раҳбарлигидаги комиссия хўжалик ерларида ўтказган мониторинг натижасида 2012 йил 20 июнь куни тузилган далолатномада "Yangiyo'l Tamannozi sadosi" фермер хўжалигига тегишли ерлардаги узумзор эскириб, кўчатларнинг қуриб кетганлиги учун узум боғидан ҳосил олишнинг имконияти йўқлиги сабабли ўрнига янги мевали боғ барпо этиш лозимлиги қайд қилинган.

Шунингдек, биринчи инстанция суди фермер хўжалиги ўз ҳисобидан ер майдонларини суғориш учун иккита артезиан қудуғи ўрнатиб, ер ости сувлари учун зовур қазиб, ернинг унумдорлигини ошириш юзасидан тегишли тадбирлар ўтказганига эътибор бермаган. Суд жараёнида даъвогарнинг бошқа важлари ҳам тасдиқланмаган.

Мазкур ҳолат юзасидан вилоят прокуратураси 2013 йил 12 сентябрь куни вилоят хўжалик судининг апелляция судлов ҳайъатига биринчи инстанция судининг ушбу ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги апелляция протести апелляция судлов ҳайъати томонидан тўлиқ қаноатлантирилиб, даъвогарнинг даъво аризаси кўрмай қолдирилди.

**Шуҳрат ХУСЕНОВ,**
**вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таълим фидойилари

# СЎЗИ ИБРАТЛИ, ИШИ НАМУНАЛИ

**Худойберди Айтбеков 75 йиллик умрининг 50 йилдан зиёдроғини эл-юрт хизматига камарбасталикда ўтказди, халқимиз фарзандларининг илм-маърифатли бўлишига ҳисса қўшди.**



1963 йилда Тошкент Давлат педагогика олийгоҳини муваффақиятли битириб, ўқитувчилик фаолиятини бошлаган Х. Айтбеков ташкилотчилиги ва тиришқоқлиги билан тез орада жамоада ҳурмат қозонди. Бўлим мудири, кейин эса мактаб директори лавозимида ишлади. 1983 йилдан бошлаб 17 йил давомида Қуйи Чирчиқ тумани халқ таълими мудири лавозимида фаолият юритди. Шу йиллар мобайнида туман мактабларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, барча зарур шарт-шароитлар яратилгани натижасида туман ўқувчилари фанлар кесимида вилоят, республика олимпиадаларида муваффақиятли қатнашиб, бир неча бор ғолибликни қўлга киритдилар. Кўплаб фидойи ўқитувчиларга "Халқ маорифи аълочиси" унвони берилди.

1997 йилда туманда лицей-интернат ташкил этилиб, 150 иқтидорли ўқувчи уч йўналишда таълим ола бошлади. Лицей ўқув хоналари тўлиқ компьютерлаштирилди, фақат олий тоифали ўқитувчилар ишга жалб этилди, лицей қошида ётоқхона ва фан тўгараклари очилди.

Шунингдек, Х. Айтбеков раҳбарлигида ўша йилларда туманда 10 та мактаб, 2 та болалар боғчаси ҳамда 2800 ўринли қўшимча хоналар қурилди, 17 йил ичида 3121 ўқувчи олий ўқув юртлари талабалари бўлишди.

2004 йилда Х. Айтбеков тумандаги 48-ўрта умумтаълим мактаби директори лавозимида ишлай бошлади. Жамоадаги барча ўқитувчи ва техник ходимларнинг бошини қовуштириб, таъмирга муҳтож, салкам вайрона мактабни гўзал ва обод масканга айлантирди. Мактабнинг узоқ йиллик тарихига оид маълумотларни йиғиб, музей ташкил қилди.

– Мактабимизда 10 йил илгари бўлган одам бугун бу ердаги ўзгаришлардан ҳайратга тушиши аниқ, – дейди мактаб ўқитувчиси Шерали Ўрозов. – Уч қаватли мактаб биноси тўлиқ капитал таъмирланди, фан кабинетлари замонавий жиҳозлар билан таъминланди, спорт зали учун турли анжомлар келтирилди. Илгари ажриқ ва тошлоқ бўлиб ётган ерлар ўрнида ҳозир атиргул ва чиннигуллар барқ уриб очилаяпти. Мактаб орқасидаги ташландиқ жойга 10 минг тупдан ортиқ терак экилиб, парваришланаяпти.

Домла янги ўқув йилини ҳам жамоа ҳамда ўқувчилар учун ажойиб совға билан қарши олди. Ёзги таътил чоғида мактаб жамоаси билан ҳамкорликда мактаб ҳовлисида фаввора қуриб, атрофига чиройли ўриндиқлар ўрнатди. Анвойи гуллар оғушидаги фаввора ва ўриндиқлар мактаб ҳовлисига янада кўркамлик, файз бағишлади.

– Сўзда ибрат, ишда намуна бўлиш бугунги кун раҳбарининг энг биринчи вазифаси бўлиши керак, – дейди директор. – Юртбошимиз раҳнамолигида фарзандларимиз келажаги учун барча шароитлар яратиб берилди. Шу имкониятлардан фойдаланиб, биз болаларимизни бунёдкорликка, ташаббускорликка ўргатишимиз керак. Уларга таълим бериш билан бир қаторда эстетик тарбияни юксалтиришимиз лозим. Токи болаларимиз гўзалликни кўрсин, ҳис қилсин, ундан завқ олсин. Шундагина уларда билим, кўникма ва бунёдкорликка интилиш ривожланади. Мустақиллигимизнинг боқийлиги, бошлаган ишларимизнинг давоми эса шу бунёдкор ёшлар қўлида...

**Малоҳат РИСБОЕВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Кўрик-танлов

**Вилоят "Баркамол авлод" болалар марказида ўтказилган "Бадиий нафосат билимдони" республика кўрик-танловининг вилоят босқичида туман ва шаҳар босқичлари ғолиблари – "Қўғирчоқ театри" ҳамда "Ёш журналист ва нотиқлик" тўгараги аъзолари иштирок этдилар.**

# БИЛИМДОН БОЛАЛАР

– Танловда 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган иқтидорлилар билимларини синовдан ўтказишмоқда, – деди вилоят "Баркамол авлод" болалар маркази директори ўринбосари Гўзалхон Абдусатторова. – Мақсад – болаларни бой тарихий анъаналаримиз ва миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, иқтидорлиларни танитиш, ижодкор ўқувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборат.

Тажрибали мутахассис ва услубчилардан иборат ҳайъат аъзолари ёш билимдонларнинг ижро маҳорати, томошабинни жалб этиш қобилияти, саҳнада ўзини тутиши, ижро этилаётган дастурнинг долзарблиги ва тарбиявий аҳамиятини баҳолаб бордилар. Бекобод туманидаги 50-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Мухтасар Каримова "Ёш журналист ва нотиқлик" йўналишида биринчи ўринни эгаллаб, диплом билан тақдирланди.

"Қўғирчоқ театри" йўналишида Ўрта Чирчиқ тумани "Баркамол авлод" болалар маркази тўгараги аъзолари ғолибликни қўлга киритдилар.

Ғолиблар "Бадиий нафосат билимдони" республика кўрик-танловида вилоят шарафини ҳимоя қиладилар.

**Каримқул МАВЛОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Маънавият

# ЭНГ ГЎЗАЛ АХЛОҚ

Ҳазрати Усмон (р.а) бош бўлган катта карвон Мадинага яқинлашди. Ўта ҳушёр, фойда инадиган ҳар бир нарса ҳидини ҳаммадан бурун фаҳмлайдиган савдогарлар ул зотни шаҳар ташқарисида тавозе билан кутиб олишди. Ва ўз мақсадларини баён қилишди, яъни Ҳазрат келтирган молни катта нархда сотиб олмоқчи эканликларини айтишди. Усмон (р.а) хоксор табиатларига кўра, юмшоқлик билан бу таклифга рози эмасликларини айтдилар. "Узр, лекин менга жуда катта қиймат ваъда қилинган" дедилар. "Бирига уч берамиз" дейишди шунда ҳовлиққан тужжор аҳли. Ҳатто, "бирига беш, бирига етти берамиз" деганлар ҳам бўлди. "Менга бирига ўн ваъда қилинган" дедилар охири Усмон (р.а) оддийгина қилиб. Ҳамма ҳайратга тушди. "Биз Мадинанинг энг катта тижоратчиларимиз, биздан ошиб, бунчалик катта нархни ким ҳам берарди?" дейишди. "Оллоҳ! У бирига ўн ваъда қилган". Усмон (р.а) шундай дедилар-да, шаҳарга кириб, олиб келган барча молларини мадиналикларга эҳсон қилиб юбордилар. Бунинг сабаби шундаки, ўша йили Мадинада қурғоқчилик юз бериб, натижада қаҳатчилик бошланган эди.

Тасаввур қилайлик, қаҳатчиликдек офат ваҳимасидан тинчини йўқотган оддий халқ Маккаи Мукаррамадан ташриф буюрган бу нажот карвонини қанчалик хурсандчилик билан қарши олган экан ўшанда. Неча-неча оилалар Ҳазрат Усмон (р.а) мурувватидан баҳраманд бўлиб, муқаррар фалокатдан омон қолган ва бундан қанчалаб кўнгилларга шоду хуррамлик бахш этилган экан.

Энг гўзал ахлоқ... Маълумки, инсонни инсон қиладиган, бошқа махлуқотлардан фарқлайдиган асосий жиҳатларидан бири, бу, шубҳасиз унинг ахлоқидир. Одобли, мулоҳазали, камтар, меҳрли, садоқатли, лафзли, ҳалол кишилар хушахлоқли инсонлар саналади. Аммо, ахлоқий сифатлардан энг аввали, энг эътиборлиси ва энг гўзали, Ҳожа Аҳрори Валий ҳазратлари фикрларича, бу "одамларга (хусусан, қийналган мискинлар, етим-есир, муҳтож кишиларга) роҳат ва хурсандчилик бағишлаш"дир. Тарихдан биламизки, аввало Ҳазратнинг ўзлари бу ақидаларига қатъий амал қилганлар. Ҳатто, айтиш мумкинки, ул зотнинг бутун ҳаётлари, шахсиятлари шундай гўзал ахлоқнинг, олижанобликнинг ёрқин намунасидир.

Нақшбандия пири муршиди Ҳожа Аҳрор Валий ҳазратлари нафақат Мовароуннаҳр ва Хуросонда, балки Шарқий Туркистон, Ҳиндистон, Кавказ орти мусулмонлари орасида ҳам катта обрў-эътибор қозонади. У бундай шуҳратга биринчи галда ўз фуқаропарварлиги орқасидан эришади. Неча минг таноблаб экинзорлари, мол-қўйлари, йилқилари бўлган Ҳожа Аҳрор ўта камтарона ҳаёт кечиради. Ўз бойлигини фақат хайрия мақсадларига – илм-фан равнақи, ободончиликка, муҳтожлар ҳожатини чиқаришга сарфлайди.

Одамларга роҳат ва хурсандчилик етказишни гўзал ахлоқ деб билган Ҳожа Аҳрорнинг бундан-да буюкроқ фазилати унинг мамлакат осойишталиги йўлидаги хизматларида янада яққолроқ кўринади. Жуда катта ботиний, руҳий қудрат соҳиби бўлган Ҳожа Убайдуллоҳ ўн йиллар давомида темурий шаҳзодаларни ўз таъсирида ушлаб туради. Биродаркушлик урушларининг олдини олади. Алишер Навоийга ёзган мактубида: "Ҳеч ким фуқаро ғамини емай қўйган бу вақтда улар ҳақида қайғуриш энг хайрли ишлардан кўринади" деган сўзларининг ўзиёқ аллома зотнинг сурату сийрати борасида етарлича тасаввур бера олади. Бир сўз билан айтганда, одамларни мушкул аҳволдан халос қилишга интилиш энг савобли амаллардан саналади исломий таълимотда.

Ислом кишиси сўзида собит, имон-эътиқодига, оиласига, ёру дўстига, Ватанига садоқатли ва, албатта, саховатли қалб эгаси бўлиши лозим. Бунинг бош сабаби шуки, Яратгувчининг ўзи саховат эгаси, саховат манбаидир. У оламни, тоғу тош, ер-сув, наботот, ҳайвонот оламини бунёдга келтирди ва буларнинг ҳаммасини инсонга беминнат хизмат қилдириб қўйди. Қуёш – ҳаммага баробар, яхши-ёмонни ажратмай, нур сочаверади. Ер ҳам шундай. Оддий мевали дарахтни олиб кўринг – ҳосилидан одам боласи ҳам, барча жонзотлар ҳам бирдай баҳраманд, ҳеч кимдан қизғанмайди. Шундай экан, муҳтожларнинг ҳожатини чиқариш, мискинлар кўнглини кўтариш, доимо яхшилик қилиш, эзгулик ҳақида ўйлаш Ислом кишисининг ахлоқи, яшаш тарзи бўлиши керак.

Бугунги кунимизда ҳам замондошларимиз орасида сахий, меҳр-оқибатли инсонлар кўпки, саховатпешалик, мардлик, ҳожатбарорлик халқимизнинг қонида борлиги, у аждодий мерос экани, улуғ бир анъана, ахлоқий мезон сифатида яшаб келаётганидан далолат беради.

Аждодларимиз анъаналарига садоқатли шундай меҳр-мурувватли, ҳимматли, танти инсонлар туфайли ҳам ҳаётимиз файзли, баракотлидир. Юртимиз равнақи, халқимиз жипслиги, аҳиллиги, тинч-тотувлиги ҳам ҳар доим ўзгаларга яхшилик истайдиган, эзгуликка интиладиган шундай инсонлар шарофатидандир.

**Қурбонали ТУРСУНОВ,**
**вилоят бош имом хатиби.**




## ЯХШИКИ, МИЛТИҚ ОТИЛМАЙ ҚОЛДИ

**Франция полицияси Liberation газетаси таҳририяти ва Парижнинг бошқа жойларида қуролдан ўқ узишда гумон қилиниб, қўлга олинган кишининг шахсини аниқлади.**



AFP агентлиги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари маълумотларига таяниб хабар беришича, тартиббузарнинг исм-шарифи Абдулҳаким Дехар экан. Уни қамоққа олган прокурорнинг хабарига қараганда, жиноят содир этилган жойдан олинган излар гумондорнинг ДНК маълумотларига мос келган.

Дехарнинг қўлга тушишига полиция ходимида шубҳа уйғотгани сабаб бўлди. Гап шундаки, Liberation газетаси таҳририятида ўрнатилган видеокамера уни тасвирга туширган эди. Қўлга олиш чоғида Дехар мудроқ ҳолатда, яъни у қандайдир тиббий дори таъсирида бўлган. Шу боис уни сўроққа эмас, шифохонага олиб боришди.

Абдулҳаким таҳририят биносига кириши биланоқ ов милтиғидан икки марта ўқ узиб, 27 ёшли фотомухбирни жароҳатлади. Журналистларнинг айтишича, жиноятчи бошқа ўқ узмади. Чунки милтиқ отилмай қолди.

Қуролли жиноятчи таҳририятга нима сабабдан бостириб киргани ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмади.

## КЕМАНИ ЎҚҚА ТУТИШ БИЛАН ҚЎРҚИТИШДИ

**Гибралтар бош вазири Фабиан Пикардо агар Испания кемалари Буюк Британиянинг денгиз ҳудудига кирса, ўққа тутилиши ҳақида огоҳлантирди.**



Воқеадан бир кун аввал Буюк Британия ички ишлар вазирлиги Испаниянинг Лондондаги элчисини изоҳ бериш учун таклиф этди. Британия-Испания ўртасидаги муносабатларнинг бузилишига сабаб бўлган навбатдаги воқеа Гибралтар атрофидаги сувли ҳудудда юз берди. Британияликларнинг фикрича, Испаниянинг гидрографик кемаси Англия ҳудудига ноқонуний кириб келган. Соҳил қўриқчилик хизмати кеманинг Гибралтарни ташлаб чиқиб кетишини талаб қилди. Бироқ, испанлар бунга эътибор беришмади. Улар Британия ҳудудида яна 20 соат бўлиб, шундан сўнгина у ерни тарк этишди.

## СЕМИЗЛИГИ ПАНД БЕРДИ

**Европада ташувчилик билан шуғулланувчи Eurostar компанияси 22 ёшли Франция фуқароси Кевин Шенени Ла-Манш кўрфази орқали ҳаракатланувчи поездга чиқаришдан бош тортди.**



Associated Press агентлигининг ёзишича, бунга йўловчининг ҳаддан зиёд семизлиги сабаб бўлган. Eurostar вакилларининг айтишича, мустақил ҳаракатлана олмайдиган бундай оғир вазнли йўловчини ташиш ички хавфсизлик қоидаларига зиддир. Ушбу қоидада ёзилишича, Ла-Манш кўрфази орқали ҳаракатланувчи поездлардаги барча йўловчилар эвакуация зарурати туғилганда, ўз жойларини мустақил ташлаб кетиш қобилиятига эга бўлишлари шарт. Кевиннинг 227 килограммли вазни бунга имкон бермайди. The Daily Telegraph газетасининг маълум қилишича, Шене 1,5 йил давомида АҚШ клиникасида даволанган. Натижада, анча енгил тортиб, соғлиғи ҳам яхшиланган.

Қизиғи шундаки, бесўнақай йўловчини British Airways авиакомпанияси ҳам самолёт бортига чиқармади. Шу боис, у бошқа авиакомпания самолётида Лондонга учишга мажбур бўлди.

## ҚУЙМА ОЛТИНЛАР ЭГАСИ ТОПИЛМАЯПТИ

**Associated Press агентлиги тарқатган хабарга қараганда, Ҳиндистоннинг Колката шаҳри аэропортида фаррошлар 24 та қуйма олтин яширилган жойни топиб олишди.**



Агентликнинг божхона ходимлари сўзига таяниб ёзишича, ушбу олтинларнинг қиймати 1,1 миллион долларга тенг. Ажабланарлиси шундаки, бу қуйма олтинлар Ҳиндистоннинг Бангкокдан учиб келган Jet Airways авиакомпаниясига қарашли самолётнинг ҳожатхонасига яшириб қўйилган. Қуймаларнинг ҳар бири қарийб 1 килограммдан бўлиб, улар иккита қопга жойланган экан.

Божхона хизмати ушбу топилмани мусодара этиб, тергов олиб бормоқда. Бироқ, олтинлар кимники эканлиги номаълум.

## ХЬЮСТОНДА ЯНА ОТИШМА

**Американинг Техас штати Хьюстон шаҳри шимоли-ғарбида содир этилган навбатдаги отишма чоғида бир эркак ва икки аёл ҳалок бўлгани ҳақида хабар тарқатди NBS News.**



Отишма жараёнида ярадор бўлган яна бир эркак ва аёл тиббий вертолётда шифохонага етказиб келинди. Бироқ, уларнинг аҳволи ҳақида маълумот тарқатилмади. Шунингдек, отишмадан жабрланганларнинг исм-шарифлари ҳам номаълум. Маҳаллий телеканалнинг таъкидлашига қараганда, улар лотин Америкаси фуқаролари.

Жабрдийларга ҳужум қилган жиноятчи воқеа жойидан қочиб, яширинишга муваффақ бўлди. Унинг шахси ва нима мақсадда жиноят содир этганлиги ҳам номаълум. Бу 10 ноябрдан буён Хьюстонда содир этилган учинчи отишмадир.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Спорт

**Пискент туманидаги "Жанубий" автополигонда автомобиль ҳалқа пойгаси бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда қирқ нафар спортчи иштирок этди.**

## ПОЙТАХТ СПОРТЧИЛАРИ ҒОЛИБ



Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамда Ўзбекистон миллий автомобиль федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада спортчилар автопойганинг уч тури – А-8-1600, А-9-2000 ҳажмли ва миллий автомобиллар бўйича ўзаро куч синашди.

Беллашувнинг барча йўналишларида пойтахтлик спортчилар – Рустам Маматқулов, Жаҳонгир Ёрматов ва Рустам Муҳамедов бошқарган автомобиллар марра чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтди.

Ғолибларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ОЛТИН КУЗ

*Онамдай хоксор, отамдай мағрур,*
*Таърифинг айтмоққа етмаяпти сўз.*
*Опамдай беғубор, акамдай масрур,*
*Салом, қариндошим, меҳрибоним куз!*
*Салом, япроқларга мусиқа чалиб,*
*Рақсига маҳлиё бўлган шаббода.*
*Салом осмон, қолдингми толиб,*
*Ёмғирингдан ерга тутиб май – бода?*
*Салом, зарҳал рангли рақќос япроқлар.*
*Салом сенга, қовун, ҳандалак иси.*
*Салом сизга, куз тўқиган жумбоқлар.*
*Салом, топиш, йўқотиш фалсафаси.*
*Онамдай хоксор, отамдай мағрур,*
*Салом қариндошим, меҳрибоним куз.*
*Шоира қизим деб кечирма асло,*
*Таърифинг айтмоққа тополмасам сўз!*

**Севинч ХУРСАНАЛИЕВА,**
**Паркент тумани.**



Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.

ЭЪЛОНЛАР

Мирзо Улуғбек тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "VAGON KOMLEKT SERVIS" МЧЖ устав жамғармаси 1 500 000 000 сўмдан 400 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.
Тел.: 365-81-81.

Утерянный кадастр на помещение по адресу г. Ташкент, Мирабадский район, Савдо дукони, выданный 22.03.2010 г., кадастр № 10110502020006 "Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК на ООО "SMZ-YANA", **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "TEZKOR INVEST" МЧЖнинг устав жамғармаси 555 000 000 сўмдан 480 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.
Тел.: (+99893) 586-70-08.

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги "LOCHIN-ZAXRO" унитар корхонасига тегишли бўлган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб (+99890) 260-09-73 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги "OQ YO'L" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр ҳамда бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб (+99890) 260-09-73 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Жиноятга жазо муқаррар

# ТЎҒРИ КИМУ ЎҒРИ КИМ?

***Одам ҳаётда адашмасин экан. Хато қилдингми, вақти келса, уни ўнглаш учун умр ҳам етмаслиги мумкин.***
***Инсон ҳаётда нима сабабдан хатога йўл қўяди ёхуд жиноятга қўл уради? Бунинг барчаси нафс жиловининг бўш қўйилишию қўлидан келмайдиган ишга зўр бериб уриниш оқибатидир.***



Наврўз Жумабоев ички ишлар идорасига адашиб, йўл-йўлакай кириб қолган кадрлардан бўлиб чиқди. Эгамберди Жамбулов ҳам шу тоифадан. Адвокатликни танлаган-у, бироқ бу соҳанинг қанчалар тўғрилик, поклик, ҳалоллик талаб қилиши, фақат қонун асосида иш юритиш лозим бўлишини лоақал бир бора ҳис этиб кўрмаган, назаримизда. Акс ҳолда бу икки ҳуқуқ-тартибот посбонлари тил бириктириб, ёрдам сўраб келган "жабрдийда"ларнинг "терисини шилишар"миди?

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди кўрган ишни кузатар экансиз, бу икки "азамат"нинг қилмишидан ҳайрону лол бўлишингиз турган гап.

Аслида Н. Жумабоев терговчи сифатида Янгийўлдан Зангиота туманига вилоят ИИБ тергов бошқармаси буйруғига кўра, хизмат сафари билан келиб, бинойидек ишлаб юрган эди. Қўлига тушган бу сафарги жиноят иши унинг аслида ким эканини кўрсатиб қўйди.

Бу ишга 2011 йилда тушган ариза сабаб бўлди. Маълум бўлишича, Феруза исмли аёл ўз аризасида қариндоши М. Камолов қизи И. Анорбоеванинг номусига текканини маълум қилиб, унга нисбатан тегишли чора кўрилишини сўраган.

Ушбу жиноят иши Н. Жумабоевга топширилди. Айбланувчи М. Камоловга уни ҳимоя қилиш учун "S Yakubov va advokatlar" адвокатлар ҳайъати томонидан адвокат Эгамберди Жамбулов бириктирилди.

Жараёнлар бошланди. Н. Жумабоевнинг суддаги кўрсатмасидан маълум бўлишича, М. Камолов икки опа-сингилнинг номусига текканлигини ўзи тан олган. Унга нисбатан Жиноят Кодексидаги моддалар етарли эди, аслида. Бироқ, айбланувчининг ўгай отаси Қ. Ортиқов адвокат билан гаплашиб, ўғлига туҳмат қилишаётганини, унинг айби йўқлигини, қандай бўлмасин жазодан қутқариб олиш кераклигини айтди. Адвокат Э. Жамбулов терговчи билан гаплашиб кўришини, бирор йўли бўлиши кераклигини айтиб, уни бироз тинчлантирди.

Бу орада Қ. Ортиқов терговчи билан бевосита гаплашиш йўлини ҳам топди. Бир-икки суҳбатда бўй бермаган терговчи кейинги сафар Қ. Ортиқовга ўғлининг адвокати билан гаплашганини, у ҳаммасини тушунтиришини айтиб, "умид чироғи"ни ёқади.

Адвокат М. Камоловни жазодан олиб қолишнинг бирдан-бир йўли уни руҳий хаста, деб маълумот тайёрлаш эканини, бунинг учун М. Камолов руҳий касалликлар шифохонасига даволаниш учун ётиб чиқиши кераклиги, эвазига эса терговчи 10 минг АҚШ доллари сўраётганини айтди. Аммо, Қ. Ортиқов бунча пули йўқлиги, 5-6 мингни қарз ҳавола қилиб бўлсада, топиб беришини айтди. Адвокат билан кейинги суҳбатда у терговчини 5 мингга кўндирганини, ўзининг хизмати эса 1000 АҚШ доллари бўлишини ҳам қистириб ўтди. Шундан сўнг адвокат Қобил Ортиқовга қайта-қайта қўнғироқ қилиб, пулни тезроқ олиб келиб беришини, терговчи қистаётганини такрорлади. Қобил бу орада келишилган пулни тополмади. Адвокат эса пул талаб қилишини қўймасди. Жонидан тўйган Қ. Ортиқов Миллий хавфсизлик хизмати вилоят бошқармасига ариза билан мурожаат қилди. МХХ бошқармасида ўтирганида ҳам адвокат қўнғироқ қилиб, пулни тезлатишини эслатди. Бу эса ҳуқуқ-тартибот ходимларига яна бир исбот эди. Шундан сўнг бу иш бўйича вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда тезкор тадбир ўтказиладиган бўлди.

Пойтахтнинг Сирғали тумани Қипчоқ кўчасидаги "Қўчқор" кафеси олдида адвокат Э. Жамбулов Қ. Ортиқовдан 6 минг АҚШ долларини пора сифатида олаётган пайтда ҳуқуқ-тартибот ходимлари қўлга олишди. Адвокат бу ишларни терговчининг гапи билан қилганини айтди. Шундан сўнг терговчи Н. Жумабоев устидан ҳам иш қўзғатилди.

Судда Наврўз Жумабоев айбига иқрор бўлмади. Ҳеч қандай айби йўқлигини, адвокатдан М. Камоловни жазодан олиб қолиш учун пора сўрамаганини айтиб, исботлашга ҳам ҳаракат қилди. Бироқ, унинг бу сўзлари келтирилган далиллар олдида бекор бўлди.

Суд ҳукмига кўра Наврўз Жумабоевга 12 йил, Э. Жамбуловга эса 3 йил қамоқ жазоси белгиланди.

**Бекмурод БАКИЕВ.**

Рассом хандаси




ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 8576. Адади 6938. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.45.